



O'ZBEKISTON OVOZI

• 2016-yil, 6-dekabr. Seshanba • 146 (32.205)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ўртасида Россия томонининг ташаббуси билан 2016 йил 5 декабрь куни телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Россия Федерацияси Президенти Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида галаба қозонгани билан самимий табриклади.

Давлат раҳбарлари ҳозирги кунда кўп қиррали Ўзбекистон

— Россия муносабатлари юксак даражада эканини мамнуният билан таъкидлаб, Самарқанд шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашув чоғида эришилган келишувлар режали ва тизимли асосда ҳаётга татбиқ этилаётганини ихобий баҳоладилар.

Томонлар турли вазирлик ва идоралар, ҳўжалик субъектлари ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги ўзаро самарали ҳамкорлик амалий натижалар бераётганини алоҳида қайд этдилар.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини изчил давом эттириш ва янада ривожлантириш, ўзаро алоқаларга доир барча соҳаларда, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар бўйича давлатлараро ишончли, очик ва конструктив мулоқотни чуқурлаштиришга қатъий тайёр эканлигини билдирдилар.

Суҳбат самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида Қозоғистон томонининг ташаббуси билан 2016 йил 5 декабрь куни телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Қозоғистон раҳбари Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани билан самимий табриклади ва давлат раҳбарлари сифатидаги масъулиятли фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади.

Мулоқот чоғида томонлар Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида фикр алмашдилар. Икки мамлакатнинг турли вазирлик ва идоралари ўртасидаги алоқаларга, ҳўжалик субъектларининг самарали ҳамкорлиги, шунингдек, минтақалараро алоқалар жадал ривожланиб бораётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари ўзаро муносабатларнинг барча жиҳатлари ва минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳамкорлигини изчил давом эттиришга келишиб олдилар.

Суҳбат мамлакатларимиз раҳбарларига хос самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА

ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев билан Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон ўртасида 2016 йил 5 декабрь куни телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Тожикистон Президенти Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги ишончли галабаси билан самимий табриклади.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари бўйича фикр алмашдилар. Шунингдек, сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги долзарб вазифаларни амалга оширишдан икки томон ҳам манфаатдор эканлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарлари ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича давлат ва жамоат тузилмалари, ҳўжалик субъектларининг ўзаро мулоқотларини қўллаб-қувватлашга келишиб олдилар.

Суҳбат амалий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 5 декабрь куни МДХ Ижроия қўмитаси раиси — ижрочи котиби Сергей Лебедев билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон раҳбари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилар миссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида самарали ишлагани, ушбу жараён ҳамда сайлов якунларини юқори баҳолагани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Сергей Лебедев Президент сайлови мониторингида иштирок этишга таклиф этгани ва МДХ кузатувчилар миссияси аъзолари учун барча қўлай шароитлар яратилгани учун ташаккур билдирди.

Ҳамдўстлик доирасида ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича атрафлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев шу кун Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилар миссияси раҳбари, ШХТ Бош котиби Рашид Алимовни қабул қилди.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни кузатиш бўйича ШХТ вакилларининг хулосалари тўғрисида фикр алмашдилар.

Рашид Алимов Ўзбекистон Президенти сайлови мамлакатда демократик жараёнларни янада ривожлантириш борасида муҳим қадам бўлганини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари ШХТ кузатувчиларига очик, эркин ва демократик шароитларда ўтказилган сайлов кампанияси давомида амалга оширган самарали ишлари ва якуний хулосалари учун самимий миннатдорлик билдирди.

Томонлар ШХТ доирасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш юзасидан фикр алмашдилар.

ЎзА

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевга Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиндан табрик мактуби келди. Унда шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига Мухтарам Шавкат Мирмонович!

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганинг билан чин қалбимдан самимий табриқлайман.

Сайловдаги ишончли галабанингиз Сизнинг ватандошларингиз орасида обрў-эътиборингиз баландлигидан, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг долзарб вазифаларини ҳал этишдаги хизматларингиз юксак эътироф этилганидан далолатдир.

Россияда Сизни давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришнинг доимий тарафдори, деб биладилар. Ишончим

комилки, биз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчиликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаб, минтақавий ва халқаро масалаларда конструктив ҳамкорлиқни янада кенгайтираимиз. Бу мамлакатларимиз халқларининг тўб манфаатларига мос келади, Марказий Осиёда ва бутун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги маконида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш имконини беради.

Мухтарам Шавкат Мирмонович, Сизга чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва давлат раҳбари сифатидаги гоят масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни ўзингиз учун қўлай вақтда Россияга ташриф буюришингизни таклиф қиламан.

Эҳтиром билан,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

Президент сайловининг дастлабки натижалари бўйича баёнот берди

5 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига бағишлаб оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказди.

Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Хатамжон Кетмонов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиянинг иштироки бўйича баёнот берди.

2



ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯЛАРИ ЎЗ ХУЛОСАЛАРИНИ БАЁН ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиб борган халқаро ташкилотлар миссияларининг якуний матбуот анжуманлари бўлиб ўтди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссияси матбуот анжуманида миссия раҳбари, ШХТ Бош котиби Рашид Алимов миссиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларига бағишланган баёнотини ўқиб эшиттирди.

Р.Алимов ташкилот кузатувчилари сайлов кампаниясининг бориши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ижроси билан танишганини таъкидлади. Миссияга Президентликка ном-

лов округида 235 сайлов участкасида бўлди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти, турли даражадаги сайлов комиссиялари аъзолари, сайловчилар, маҳаллий кузатувчилар, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар кузатувчилари миссиялари аъзолари билан учрашувлар ўтказди.

ШХТ кузатувчилари миссияси баёнотида сайлов қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш борасида амалга оширилган сўнгги йиллардаги ислохотлар юқори баҳоланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган материалларнинг ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, рус, тожик тилларида тарқатилгани,

оммавий ахборот воситалари орқали 15 тилда чоп этилганига эътибор қаратилди.

Миссия овоз бериш кунинингдек, сайловда биринчи марта иштирок этаётган ёш авлод вакилларида участка сайлов комиссиялари томонидан алоҳида эътибор қўрсатилганини қайд этди.

Миссия кузатув якунлари бўйича Президент сайлови Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги, Марказий сайлов комиссиясининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Ўзбекистон ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга тўла мувофиқ ҳолда, очик ҳамда демократик вазиятда ўтгани таъкидланди.

Миллий сайлов қонунчилиги меъёrlарига зид келадиган қонунбузилиш ҳолатлари миссия томонидан қайд этилмади.

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.



Президент сайловининг дастлабки натижалари эълон қилинди

Унда Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови миллий сайлов қонунчилигимиз талаблари ва халқаро ҳўқуқнинг умумэтироф этилган демократик тамойиллари асосида очик ва ошкора ўтказилганини таъкидлади.

Хусусан, сайловчилар рўйхатида киритилган 20 миллион 461 минг 805 нафар сайловчининг 17 миллион 951 минг 667 нафари овоз беришда иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 87,73 фоизини ташкил этади. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 35-моддасига мувофиқ, Президент сайлови ўтган, деб ҳисобланади.

Анжуманда айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини 5 та халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳўқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси ва Ислам ҳамкорлик ташкилотидан ҳамда 46 та давлатдан 600 нафарга яқин кузатувчилар кузатиб борди.

Бундан ташқари, сайловда иштирок этган 4 та сиёсий партиянинг 37 мингдан зиёд вакиллари ҳам овоз бериш ҳамда овозларни санаб чиқиш жараёнини кузатиб борди. Сайлов комиссиялари томонидан уларнинг фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

Сайлов кампаниясини мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 1 минг 400 нафардан ортиқ вакили кенг ёритмоқда.

Овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнида сайловга оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилгани ҳақида Марказий сайлов комиссиясига сайловчилар, сиёсий партиялар кузатувчилари, халқаро ва хорижий кузатувчилардан мурожаатлар келиб тушмаган.

Марказий сайлов комиссияси раиси кеча, яъни 4 декабрь куни овоз бериш якунланган, сайлов участкаларида Президентликка номзодлар кўрсатган сиё-

сий партияларнинг кузатувчилари, халқаро кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари кузатуви остида ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқиш ишлари бошланиб, бу жараён охирига етганча танаффуссиз давом эттирилганини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига кўра, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан кўрсатилган номзод Сарвар Садуллаевич Отамуратовни ёқлаб, 421 минг 55 нафар сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган — сайловчиларнинг 2,35 фоизи, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Шавкат Мирмонович Мирзиёевни ёқлаб, 15 миллион 906 минг 724 нафар сайловчи ёки сайловчиларнинг 88,61 фоизи, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Хатамжон Абдураҳмонов Кетмоновни ёқлаб, 669 минг 187 нафар сайловчи ёки сайловчиларнинг 3,73 фоизи, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Наримон Мажилович Умаровни ёқлаб, 619 минг 972 нафар сайловчи ёки сайловчиларнинг 3,46 фоизи овоз берган.

Брифинг иштирокчиларига ҳозирги пайтда Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган баёнотга ва бошқа материалларни кўриб чиқаётгани ҳақида ахборот берилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ зарурат бўлса, айрим участка сайлов комиссияларининг материаллари ҳам синчиклаб текширилади ва шундан сўнг Марказий сайлов комиссияси сайлов натижаси бўйича қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови якунлари тўғрисидаги ахборот сайловдан кейин ўн кундан кечиктирмай, яъни 2016 йил 14 декабрда қадар Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — 2016

■ Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган сайлов натижаларини тан олади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

Президент сайловининг дастлабки натижалари бўйича баёнот берди

— Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди, — деди партия етакчиси. — Барчамиз гувоҳи бўлдикки, мазкур сайлов миллий қонунчилигимиз ва халқаро меъёрларга мос тарзда, шунингдек, юқори даражада уюшқоқлик ва яқдиллик билан ўтказилди.

Сайловда умумий сайловчиларнинг 87,73 фоизи иштирок этгани халқимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти, давлат ва жамият тақдирига дахлдорлиги туйғуси юксалиб бораётганлигини кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловнинг барча босқичларида сиёсий партияларга берилган ҳуқуқ ва ваколатлар ҳамда яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилди.

Энг муҳими, ушбу сиёсий жараёнда партия кучли ижтимоий сиёсат юритиш, аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишни бош мақсад сифатида белгилаб, барча имкониятларини ишга солган ҳолда иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилган ўзгаришлар, Марказий сайлов комиссиясининг сайлов жараёнларини тартибга солиш ва йўриқномаларини янада такомиллаштирилгани мазкур сайловнинг олдинги сайлов кампанияларига кўра қизгин, баҳс-мунозараларга бой ҳамда янада юқори даражада ўтказилишига асос бўлди, — деди Хатамжон Кетмонов. — Бўлиб ўтган сайлов миллий қонунчилигимиз ва халқаро меъёрларга мос тарзда

ўтганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Сайлов кампаниясининг барча босқичларида, жумладан, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, оммавий ахборот ҳамда ташқи реклама воситаларида фойдаланиш, умуман, барча ташвиқот жараёнларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга тенг имкониятлар яратишга доир таъминот қатъий риоя қилинди.

Хусусан, сайлов кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида партиянинг Марказий Кенгаши ҳузурида Марказий сайлов штаби, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари ҳузурида эса ҳудудий штаблар ташкил этилди. Мазкур штаблар зиммасига партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши билан боғлиқ барча ишларини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилди. 10 мингдан ортиқ партия фаоллари штаблар таркибига жалб қилинди.

Партиядан кўрсатилган номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам бериш, тарғибот ишларини ташкил этиш мақсадида 15 нафар ишончли вакил танлаб олинди.



Сайлов ШОҒУЛАГОНОВ олган сурат.

Қонунда белгиланган тартибда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, республика, маҳаллий теле ва радиоканаллар ҳамда нодавлат нотижорат теле ва радиоканалларда партиядан кўрсатилган номзод дастурининг тарғиботида қаратилган 4580 дан ортиқ кўрсатув ва роликлар, учрашувлардан репортажлар, ток-шоу ва дебатлар эфирга узатишди. Босма оммавий ахборот воситаларида 375 дан ортиқ тарғибот материаллари чоп этилди, 600 дан ортиқ материаллар интернет сайтларида жойлаштирилди.

Партия ўз сайловолди ташвиқотини турли усул ва воситалар орқали амалга оширишга ҳаракат қилди. Жумладан, тарғибот ишлари оммавий ахборот воситаларида, Интернет тармоғида дебатлар, мунозаралар, матбуот анжуманлари, интервью, чиқишлар, ташвиқот роликлари ҳамда реклама материалларини жойлаштириш ва бошқа шаклларда амалга оширилди.

Шулар орқали партия дастурий мақсадларини аҳолининг кенг қатламларига етказишга эришилди. Бир сўз билан айтганда, ушбу сиёсий жараёнда Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайлов қонунчилигига мувофиқ амалга оширган сайё-ҳаракатлари, муҳим ижтимоий ғоялари билан фуқаролар ишончини қозонди.

Сайловчилар билан учрашувлар видеоконференц-алоқа шаклида ўтказилганлиги барча ҳудудлардаги сайловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришиш имконини берди.

Партия етакчиси, шунингдек, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда катта ёрдам кўрсатганини эътироф этди.

Номзод томонидан сайловолди ташвиқоти жараёнда 14 та сайлов округида 45 мингга яқин сайловчи билан учрашувлар ўтказилди. Бундан ташқари, номзоднинг ишончли вакиллари жойларда сайловчилар билан 200 га яқин учрашувлар ўтказди, мазкур тадбирларда 39 минг нафардан ортиқ сайловчи иштирок этди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сайловчи, жумладан, сайловда овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнларини тартибга солиш бўйича сайловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришиш имконини берди.

Булларнинг барчаси мамлакатимизда сайлов жараёни очиклик, ошқоралик каби демократик тамойиллар асосида ўтганлиги, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги юксалиб, одамларда юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси қучаяётганлигини кўрсатди. Партиянинг ушбу сиёсий жараёндаги иштироки келажакдаги фаолиятимиз учун муҳим ва масъулиятли босқич бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган дастлабки натижаларга кўра, сайловда 669 минг 187 нафар сайловчи ёки овоз берган сайловчиларнинг 3,73 фоизи Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган Хатамжон Кетмонов номзодини ёқлаб чиқди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган дастлабки натижаларга кўра, сайловда 669 минг 187 нафар сайловчи ёки овоз берган сайловчиларнинг 3,73 фоизи Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган Хатамжон Кетмонов номзодини ёқлаб чиқди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган дастлабки натижаларга кўра, сайловда 669 минг 187 нафар сайловчи ёки овоз берган сайловчиларнинг 3,73 фоизи Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган Хатамжон Кетмонов номзодини ёқлаб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган дастлабки натижаларга кўра, сайловда 669 минг 187 нафар сайловчи ёки овоз берган сайловчиларнинг 3,73 фоизи Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган Хатамжон Кетмонов номзодини ёқлаб чиқди.

қилинган дастлабки натижаларга кўра, сайловда 669 минг 187 нафар сайловчи ёки овоз берган сайловчиларнинг 3,73 фоизи Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган Хатамжон Кетмонов номзодини ёқлаб чиқди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган сайлов натижаларини тан олади.

— Албатта, биз сайлов натижаларини халқимизнинг хоҳиш-иродаси, деб қабул қиламиз ва унга ҳурмат билан қараймиз, — деб алоҳида таъкидлади Хатамжон Кетмонов. — Шу билан бирга, ўз ғояларимиз асосида танлаган йўлимиз — кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, бу борадаги вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ қилиш позициясизда қоламиз.

Сайловда ғолиб бўлган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Мирзиёев Шавкат Миромоновични табриқлаймиз ҳамда у кишига юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги йўлидаги фаолиятида муваффақият тилаймиз.

Партия раҳбари сайловда партия ғояларини қўллаб-қувватлаб овоз берган барча сайловчиларга, тарафдорларга миннатдорчилик билдирди.

Шунингдек, брифингда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз ғояларига содиқлиги, электротар манфаатларини ҳимоя қилишга барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари сафарбар қилиниши эътироф этилди.

Тўлқин ТўРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯЛАРИ ЎЗ ХУЛОСАЛАРИНИ БАЁН ҚИЛДИ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилари миссиясининг матбуот анжуманини МДХ Ижроия қўмитаси раиси — ижроичи котиби Сергей Лебедев бошқарди.

С.Лебедев Ўзбекистон миллий сайлов қонунчилигига кейинги йилларда киритилган ўзгаришлар уни янада такомиллаштирилганини таъкидлади.

— Биз сайлов жараёнини эркин кузатишимиз учун барча шароит яратиб берилди, — деди Сергей Лебедев. — Сайлов комиссиялари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари билан учрашдик, фуқаролар, сиёсий партиялар кузатувчилари билан суҳбатлашдик. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бўлиб, жойларда сайловга тайёргарлик ишлари билан танишдик, овоз бериш жараёнини кузатдик. Сайлов юксак савияда ташкил этилганига гувоҳ бўлдик. Сиёсий партиялар кузатувчилари ва халқаро экспертлар билан фикр алмашиб, сайлов очик ва ошқора ўтгани ҳақида яқдил хулосага келдик.

Миссия вакиллари таъкидлашча, Марказий сайлов комиссияси томонидан қисқа муддатда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилган. Бунда миллий сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгариш ва қўшимчалар, оммавий ахборот воситалари билан ишлаш янада такомиллашгани алоҳида қайд этилди. Оқруқ сайлов комиссиялари матбуот марказлари, мамлакат сайлов амалиётида биринчи марта «Press klub: Saylov.uz — 2016» пресс-клуби фаолиятининг йўлга қўйилгани, МДХ кузатувчилари фикрича, бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

МДХ кузатувчиларида ёши улуг кишилар билан бир қаторда ёшлар ҳам сайловда бирдай фаоллик кўрсатгани катта таассурот қолдирди. Айниқса, илк бор овоз берган 550 мингдан зиёд йигит-қизнинг сайловчилар рўйхатида алоҳида қайд этилгани диққатга сазовор. Сайлов участкаларига кела олмаганларнинг овоз бериши ва муддатидан олдин овоз бериш учун яратилган шароитлар юксак даражада ташкил этилди.

Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси кузатувчилари миссиясининг матбуот анжуманини миссия раҳбари, ассоциация Бош котиби Ким Ён Хи бошқарди.

4 декабрь — сайлов куни миссия вакиллари Тошкент ва Бухоро шаҳарларидаги сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш ҳамда уларни санаб чиқиш жараёнини кузатгани таъкидланди. Миссия раҳбарининг фикрича, сайлов юксак ташкилий даражада ўтди, сайловчилар овоз беришда фаол иштирок этди, овозларни санаб чиқиш жараёни очик ва ошқора амалга оширилди.

— Кузатув давомида сайлов қонунчилиги бузилганига гувоҳ бўлмадик, — деди Ким Ён Хи. — Сайлов участкаларида овоз бериш учун барча шарт-шароит яратилган, комиссия аъзолари юқори тайёргарликка эга. Юқори электротар фаоллик аҳолининг мамлакат келажиги учун ўз сайлов ҳуқуқини амалга оширишдан манфаатдорлигидан далолат беради. Бу Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампаниясининг барча босқичлари юқори даражада ташкил этилганини кўрсатади.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги баёнотини эълон қилди.

Миссия раҳбари, элчи Йохан Петер Трауготт Тейлер Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан самарали сайловолди ишлари ташкил этилгани, мазкур тадбирлар қонунда кўзда тутилган муддатларда бажарилганини қайд этди. Тўрт сиёсий партиядан Президентликка кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватловчи имзо ғояларини сайловчилар умумий сонининг беш фоизидан бир фоизига қисқартирилгани, сайлов комиссияларининг ошқоралик ва ҳолислигини таъминлаш борадаги ишлари ижобий баҳоланди.

— ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистон билан бундан кейин ҳам ҳамкорлигини давом эттиришга тайёр, — деди П.Тейлер.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун тақлим этилган мамлакатимиз эркин, очик ва адолатли сайлов ўтказишда Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги ва умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартларига қатъий риоя қилганининг ёрқин далилидир.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
суҳбатлашди.

ЭЪТИРОФ

«ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЁРИТИШ УЧУН ЯРАТИЛГАН ШАРОИТ МЕНИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ»

Сайлов жараёнларини кенг ва тезкорлик билан ёритиш учун юртимизда биринчи марта «Press klub: Saylov.uz — 2016» ташкил қилинганидан хабарингиз бор, албатта. Бу ерда эрталабдан кечгача иш қайнайди, журналистлар тиним билмайди. Кеча эрталаб «Россия-24» ва «Россия-1» телеканалларининг махсус мухбири Роберт Францев эфирга тўғридан-тўғри репортаж узатаётганининг устидан чиқдик.

Ундан интервью олиш учун бироз кутиб турдик.

— Ўзбекистонга иккинчи марта келишим, — деди суҳбатдошимиз сўзининг аввалида. — Биринчиси, яқинда бўлиб ўтган «Полис махсусотлари» халқаро ярмаркасига тасвирга олиш гуруҳимиз билан бирга келган эдик. Ушанда Тошкент билан яқиндан танишиш имконига эга бўлганмиз. Мехмондўст халқи, замонавий шаҳарлари, кенг ва раво кўчаларига эга бундай мафтункор диёрга яна бир марта лафтон кўлигимизга тугиб кетгандик. Ниятимиз ҳолис экан, мана, яна гўзал Тошкентдамиз.

— Ўзбекистондаги сайловга тайёргарлик жараёнлари ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик?

— Албатта, сайлов жараёнларида илк марта иштирок этяпмиз. Биз, Россия журналистлари гуруҳи 24 нафардан иборатмиз. Бир ҳафта давомида сайлов билан боғлиқ жараёнларни мунтазам ёритиб бордик. Шу билан бирга, юртингиз ҳаёти, унинг оддий одамлари ҳақидаги бир қанча лавҳа ва

репортажлар тайёрлаб, «Россия-24» ҳамда «Россия-1» каналларида намойиш этишга эришдик.

Сайлов куни биз кўрдик, сайловчиларнинг 90 фоизга яқини овоз берди. Бу кўрсаткич Россия ва европалик томошабинларга, фуқароларга ғайритабиий туюлиши мумкин. Чунки биз бундай юқори натижаларга қўникмаганмиз. Сайлов жараёнларининг юксак савияда ва кўтаринкилик билан ўтганига шахсан гувоҳ бўлдик. Эрталаб соат 6 дан бошлаб одамлар сайлов участкаларига ўз хоҳишлари билан, фарзандларини етказганча келишлари уларда Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси нақадар юксаклигини кўрсатди. Бу сайлов қаердадир Гамбург, Париж ёки бошқа жойда бўлганда яшанба кун шунча одамнинг фаоллигини тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Бунинг биринчи сабаби анъана бўлса, иккинчиси, халқаро кузатувчилар ҳамда экспертлар эътироф этганидек, сайловолди



Шавкат Мирзиёев РАСУЛОВ олган сурат.

тарғибот-ташвиқот ишларининг юқори даражада олиб борилганида, деб биламан. Сайловчиларга овоз бериш жараёни, тартиби ва манзиллари ҳақида узуқисиз, батафсил маълумотларни етказиб бориш бўйича Марказий сайлов комиссияси ҳамда журналистларнинг меҳнатлари таҳсинга сазовордир.

Шунингдек, сайлов участкаларида яратилган шароитларга ҳам

тўхталиб ўтмоқчиман. Имконияти чекланган фуқаролар учун алоҳида қулайликлар, она ва бола хонаси, дам олиш хоналарининг ҳозирлангани тайёргарлик юксак ташкил қилинганини аниқлади. Бу эса сайловчиларнинг ўз фуқаролик бурчларини сийқидилдан бажаришига туртки бўлди, деб ҳисоблайман.

— Сайлов кампанияси ҳамда овоз бериш жараёнларини

ёритиш юзасидан нима дея оласиз?

— Айтиш керакки, энг катта қучимизни сайлов кунига асрадик. Чунки Президент сайлови ҳар бир давлат учун энг муҳим сиёсий воқеа саналади. Шунинг учун 4 декабрь кун «Россия-24» каналда ҳар икки соатда сайлов участкаларидан репортажлар бериб бордик. «Россия-1» каналда тўғридан-тўғри эфир орқали овоз бериш жараёнини батафсил ёритиб бордик. Имкон қадар мамлакатингиз учун муҳим бўлган сиёсий воқеани россиялик томошабинларга узуқисиз равишда етказишга ҳаракат қилдик.

Ўзбекистонлик ҳамкасбларимизга ва Пресс клуб фаолиятини юқори даражада ташкил қилган ташкилотчиларга алоҳида миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Биз бошқа қўллаб-қувватларда, хусусан, Марказий Осиё ҳамда Европада парламент ва президентлик сайловларида иштирок этганмиз. Ишонч билан айта оламаники, Ўзбекистонда журналистлар учун яратилган шароит ва имкониятларни бошқа ҳеч қаерда кўрмаганмиз. Пресс клуб юқори тезликдаги интернет тармоғи, замонавий техникалар билан таъминлангани бизга максимал даражада қулайлик яратди, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан бирга кенг қўламли ва самарали иш олиб боришга эришдик.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
суҳбатлашди.

СЎЗ — ХАЛҚАРО
КУЗАТУВЧИЛАРГА

Мамлакатимизда Президент сайлови-ни кузатган хорижлик кузатувчилар, халқ-аро ташкилотлар вакиллари ва эксперт-лар «Press klub: Saylov.uz — 2016» прес-с-клубида ҳам бўлиб, бу ерда ташкил этил-ган матбуот анжуманлари ва брифинг-ларда қатнашди. ЎЗА мухбири уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

САЙЛОВЧИЛАР ФАОЛЛИГИ —
ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР
ИФОДАСИ

Эдгар КЛОЗЕ, Бранденбург Технологиялар ва инновацияларни ривожлантиришни қўллаб-қув-ватлаш институти президенти (Германия):

— Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган, машҳур беш тамойилга асосланган тараққиётнинг «ўзбек моде-ли» асосида мамлакатингиз барча соҳаларда юксак натижаларга эришмоқда. Мамлакатингизда олиб бо-рилаётган ислохотлар замирида, аввало, инсон ман-фаатларини таъминлаш, халқ фаровонлигини оши-ришдек олижаноб мақсадлар қўзланган.

Пойтахтингиздаги 409, 213, 348-сайлов участка-ларида бўлиб, овоз бериш жараёни билан таниш-дим. Сайловчилар эрта тонгдан сайлов участка-ларига келиб, ўз номзодига овоз берди. Уларнинг кай-фияти баланд, сайлаётган номзодига ишончи мус-таҳкам.

Мазкур сайлов Ўзбекистон тараққиётини янги бос-қичга олиб чиқишига хизмат қилиши шубҳасиз. Одам-ларда мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғуси орт-гани аққол кўзга ташланди. Бу мамлакатингизда де-мократик ислохотлар амалий натижалар бераёт-ганининг ифодасидир.

Ахмед Нуби МУСА, Миср Араб Республикаси ахборотлаштириш ишлари вазири ўринбосари:

— Сайловда тўртта партиядан номзод тенг шароит-ларда рақобатлашгани Ўзбекистонда демократик ан-дозлар даражасидаги профессионал сайлов ти-зими яратилганидан далолатдир.

Сайловни биз билан келган бир гуруҳ журналист-лар ҳам кузатишди. Матбуот анжуманларидан, жойлар-дан тезкор репортажлар бериб борди. Бу ҳам сай-ловнинг адолатлилиги, очик-ошкоралигининг ис-боти.

Ли Жи ЁН, Хангук хорижий тиллар универ-ситетининг Марказий Осиё кафедраси mudри (Корея Республикаси):

— Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов мамлакатнинг муқтабили ривожланиш йули-ни белгилаб берди. Бугун халқингиз бу йўлда юксак марраларни кўлга киритаётир.

Сайловда ёшлар фаол иштирок этгани таҳсинга сазовор. Улар учун яратилаётган имкониятлар, қури-лаётган замонавий маданият ва саноат масканлари, институт ва университетлар ёш авлоднинг келаж-а-ги, ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти сайловини кузатиш учун ўнлаб давлат ва қатор халқаро ташкилотлар вакил-лари келган. Улар ушбу сайлов қандай ўтганини ўз мамлакатини ва бутун дунёга ёяди. Бу тадбир натижа-лари Ўзбекистон учун, халқингиз учун хайрли бўли-шини, мамлакатингиз янада улкан муваффақиятлар-ни кўлга киритишини тилайман.

ЎЗА мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ
ёзиб олди.

Президент сайлови ҳар бир мамлакатнинг эртанги кунини белгилаб берувчи муҳим воқеадир. Унда халқ ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этади.

Бу йилги сайлов мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда ташкил этилди. Бунини хорижлик кузатувчилар, экспертлар ва мутахассислар алоҳида эътироф этишди.



ЎЗА сурати.

«ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ХАЛҚАРО
МЕЪЁРЛАР ДАРАЖАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ»

Бунини хорижлик кузатувчилар алоҳида эътироф этишди



Гао Юйшэн,
Хитой Халқ Республикаси
Ташқи ишлар вазирилик
махсус топшириқлар
бўйича элчиси:

— Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси то-монидан Президент сайловига тайёргарлик кўриш юзасидан амалга оширилган ишлар юқори баҳога муносиб.

Дастлабки кузатувлардан шун-га амин бўлдимки, жорий сайлов муддатидан олдин ўтказилаётган-нига қарамадан ўтган қисқа давр-да уни миллий қонунчилик ҳамда умумэтироф этилган халқаро меъёрларга мувофиқ тарзда ўтка-зиш бўйича катта ишлар амалга оширилган. Бу Ўзбекистонда фу-қаролик жамиятини барпо этиш бўйича тажриба тўпланганидан да-лолат беради. Қолаверса, Марка-зий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари аъ-золарининг юқори малакага эга экани сайловнинг муваффақиятли ўтказилишини кафолатлади.



Чон Чжон Соп,
Корея Республикаси
Миллий ассамблеяси
депутати:

— Мамлакатингизда сай-лов жараёни кузатиб, сай-ловчилар учун тенг имконият-лар яратилганининг гувоҳи бўлдим. Сайлов участкалари-даги оналар ва болалар хона-си, тиббиёт хонаси менда яхши таассурот қолдирди. Бундай қўлайликлар сайловнинг юқори ташкилий даражада ўтишига хизмат қилди, деб ўйлайман.

Қолаверса, имконияти чекланган кишилар учун ҳам шарт-шароитлар яратилгани қув-онарли. Сайлов участкалари-нинг пандуслар билан жиҳоз-лангани, брайл алифбосида-ги сайлов бюллетенларининг чоп этилгани эътиборга мо-лик. Бу ҳар бир фуқаро сай-ловда эркин қатнашиши, ўзи муносиб кўрган номзодга шахсан ўзи овоз бериши учун хизмат қилади.



Сафи Исмаил Юнус,
(Туркия):

— Ўзбекистондаги сай-лов жараёнида иккинчи марта қатнашимиз. Бу йил-ги сайлов ҳам олдинги сай-ловлар каби очик-ошкора, халқаро стандартларга мос равишда ўтди. Бундан буён ҳам қардош халқларнинг муносабатлари янада мус-таҳкамланади, деб ўйлай-ман.

Сайлов кунини Фарғона вилоятида бўлдим. Аҳоли-нинг сайловда кўтаринки кайфиятда иштирок этгани, сайлов участкаларидаги шарт-шароитлар мени жуда қувонтирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва жаҳон ҳамжамияти томо-нидан эътироф этилган де-мократик тамойилларнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.




Маелин Де Лара,
Diplomat Magazine
журнали
бош муҳаррири
(Недерландия):

— Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурим юртингизга келмасим-дан аввал пайдо бўлган. Бойси Бристол элчихонаси билан яхши алоқаларимиз бор. У ерда ходимлар жуда фидойилик билан иш-лайди. Бунга қойил қоламан, албатта. Мени Тошкент шаҳридаги «Минор» масжиди му-каммаллиги билан мафтун қилди. Қадим-ий Бухорога ташри-фим эса, юртингизга муҳаббатимни янада оширди. Таассуротла-римни сўз билан ифо-да этишим қийин.

Ўзбекистон сайлов қонунчилиги билан танишиб, унинг халқ-аро умумэтироф этилган меъёрларга мос равишда ишлаб чиқилганини билган-дим. Бу ерга ташриф буюргач, қозғоғдаги гапларнинг амалий ифодасини кўриб, ҳаётга тўлиқ татбиқ этилганига ишонч ҳосил қилдим. Сай-лов кампанияси кут-ганимдан ҳам юқори савияда ташкиллаш-тирилганига гувоҳ бўлдим. Энг ривож-ланган давлатларда ҳам бундан ортиқ бўлмайди.

Сайлов кунини бир қанча сайлов участка-ларида бўлдим. Одам-лар фаоллиги ва ушқ-оқлик билан тонг са-ҳардан овоз беришга кела бошлади. Ёш бо-лалари аёллар учун мах-сус хоналарнинг таш-кил этилганини кўриб, юртингиз фуқаролари-га тенг имкониятлар яратилганига ишонч ҳосил қилдим.



Райнер РИЕНМЮЛЛЕР,
Грац номидаги тиббиёт
университети
профессори (Австрия):

— Ўзбекистон Прези-дентлигига номзодлар тўртта партиядан кўрсати-гани ва улар ўзига хос дас-турий йўналишларга эғали-ги халқаро меъёрларга тўла мос келади. Ҳар бир ном-зоднинг Сайловолди дас-тури билан танишиб чиқдим. Уларнинг сиёсий қарашла-ри, гоёлари турлича бўлса-да, барчасини бир жиҳат боғлаб турганини англадим. Бу мамлакатни янада ривож-лантириш, тараққиётнинг юқори чўққиларига олиб чи-қишга қаратилган тақлиф-ларда намоён бўлган.

«Ўзбекистон овози»
мухбирлари
Гулрух ОДАШБОВЕВА
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
ёзиб олди.

Ўзбекистон
Республикаси
Марказий банки
ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Мар-казий банки 2016 йил 6 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўй-ича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юртиш, шунингдек, боғхона ва бошқа маж-бурий тўловлар учун хорижий ва-люталарнинг сўмга нисбатан қуй-даги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2375,54
1 Англия фунт стерлинги	4049,62
1 Дания кронаси	452,26
1 БАА дирҳами	868,50
1 АҚШ доллари	3189,93
1 Миср фунти	180,22
1 Исландия кронаси	28,35
1 Канада доллари	2392,51
1 Хитой юани	463,01
1 Россия рубли	49,72
1 Украина гривнаси	123,17
1 Малайзия ринггити	717,32
1 Польша злотийси	749,74
1 Норвегия кронаси	375,87
1 СДР	4322,74
1 Туркия лираси	903,25
1 Швейцария франки	3138,46
1 Сингапур доллари	2238,70
1 ЕВРО	3434,89
1 Швеция кронаси	344,35
1 Кувейт динори	10462,22
10 Жанубий Корея вонини	27,21
10 Япония иенаси	281,03
100 Ливан фунти	211,84

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

РЕКЛАМА

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси

халқимизни Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси қабул қилинганлигининг

24 йиллиги

билан муборакбод этади!



www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

ЮНОН-РУМ КУРАШИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ РОССИЯДА ЎТГАН АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА 1 КУМУШ ВА 3 БРОНЗА МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.

РЕКЛАМА ВА
ТАБРИКЛАР


■ Байрамингиз муборак бўлсин!



«Шўртангазкимё» мажмуаси жамоаси

юртдошларимизни
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
қабул қилинганлигининг 24 йиллиги
билан муборакбод этади.

Барчага тинчлик,
бахт-саодат
ва омад тилайди!



Маҳсулотлар сертификатланган.



MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'xatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1259
8765
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 00:55
Topshirilgan vaqti — 01:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 6